

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Вахабова Насибахон Абдулхамидовна

*Наманган давлат университети педагогика ва психология
факультети психология кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада оила жамиятнинг кичик бир бўлаги эканлиги, бола тарбиясининг олдига қўйган мақсадларига етишиш йўллари, оилавий кадриятлар, оилавий муносабатлар, оилавий анъаналар, урф-одатлар, оилавий кадриятлар, ота-оналарнинг ижтимоий-маданий ва маънавий сифатлари, фарзанд тарбияси бўйича қўйилган мақсад ва унга эришишнинг танлаган йўллари ўргатишга доир педагогик маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: дунё, жамият, оила, фарзанд, ота-она, оилавий муносабатлар, инсон, давлат, мамлакат, ёшлар, тарбия, ташкилот, кадрият, модел, талаба қизлар, билим, бола тарбияси, тарих.

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ СТАНДАРТОВ В ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЕЖИ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Абстрактный: В статье семья малая часть общества, способы достижения поставленных целей воспитания ребенка, семейные ценности, семейные отношения, семейные традиции, обычаи, семейные ценности, социокультурные и духовные качества родителей, поставленная цель для воспитания детей и пути его достижения. Дана педагогическая информация по обучению выбранным путям.

Ключевые слова: мир, общество, семья, ребенок, родители, семейные отношения, человек, государство, страна, молодежь, образование, организация, ценность, модель, студентки, знания, детское воспитание, история.

THE ROLE OF NATIONAL STANDARDS IN PREPARING YOUNG PEOPLE FOR FAMILY LIFE

Abstract: In the article, the family is a small part of society, the ways to achieve the goals set for child education, family values, family relations, family traditions, customs, family values, socio-cultural and spiritual qualities of parents, the goal set for child education and how to achieve it. Pedagogical information on teaching the chosen ways is given.

Key words: world, society, family, child, parents, family relations, person, state, country, youth, education, organization, value, model, female students, knowledge, child education, history.

КИРИШ

Дунёда инсон капитали ва ундан самарали фойдаланиш, оилани қўллаб-қувватлашнинг ташкилий, тиббий, педагогик-психологик ва ижтимоий асосларини такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда оиланинг маънавий соғлом ва иқтисодий барқарорлигига, ота-оналар ва фарзандларнинг бир умрлик таълим тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида манфаатли банд бўлишига эришишни таъминлашни тақозо этмоқда. Бу эса, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида оилавий муносабатлар учун зарур ижтимоий кўникмаларни, шахслараро мулоқот ва соғлом турмуш тарзи малакаларини, инсонпарварлик, масъулиятлилик каби сифатларни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштириш заруратини туғдиради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли, 2020 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5325-сонли Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сонли, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 31-декабрдаги “Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 820-сонли, 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари

Жамиятнинг кичик модели сифатида оила ижтимоий йўналганликнинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади, чунки айнан оилада ижтимоий қоидалар илк бора тушунтирилади, бошқа инсонларни англаш бошланади ва жамиятнинг маданий кадриятларига амал қилинади. Ўзбек тилининг изоҳли

луғатида оила атамасига берилган таърифга кўра: “Оила – бу ота-она, фарзанд ва бошқа яқин қариндошларнинг бирга яшайдиган мажмуаси”¹.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ижтимоий энциклопедияда эса қуйидаги таърифни учратиш мумкин: “Оила – маиший ҳаёт ва ўзаро масъулият орқали боғланган инсонларнинг никоҳ ёки қариндошлик муносабатларига асосланган бирлашмаси бўлиб, ижтимоий тузилманинг энг муҳим қисмидир”².

“Маданиятшунослик” китобида: “Оила инсонларнинг ижтимоий-анъанавий гуруҳи бўлиб, унда ижтимоий қадриятларни амалга ошириш жараёнида оиланинг асосий вазифаси (ҳаётий тажрибани, билимларни, анъаналарни, фарзандлар тарбиясини, ота-онани эъзозлашни, оилавий ҳаётнинг талаблари ва тузилишини, ундаги ахлоқий талабларни авлоддан авлодга ўтказиш) бўлган оилавий характер ва қадриятлар юзага келади”³.

Оилавий қадриятлар кенг маънода оиладаги ижтимоий-маданий муҳитдан келиб чиқиб, бола тарбияси ва унинг ривожланишининг якуний мақсади ва мукамал кўриниши ҳисобланиб, у бола тарбиясининг олдида қўйган мақсадларига етишиш йўллари, катта ёшдаги авлоддан келажак авлодга маданиятнинг ўтиши еҳтиёжини ўзида намоён қилади. Нисбатан қисқача кўринишда, оилавий қадриятлар, оилавий муносабатлар, оилавий анъаналар, урф-одатлар натижасида ишлаб чиқилган ахлоқий ва эстетик талаблар. Улар бевосита оила аъзоларининг болалар тарбияси ва ривожланишига бўлган эҳтиёжини қондиришга таъсир қилади. Оилавий қадриятлар ота-оналарнинг ижтимоий-маданий ва маънавий сифатларида, улар томонидан фарзанд тарбияси бўйича қўйилган мақсад ва унга эришишнинг танлаган йўлида катта аҳамият касб этади.

Оилавий қадриятлар – бу фақатгина авлоддан авлодга ўтиб боровчи урф-одатлар, анъаналаргина эмас, балки бу оила аъзоларнинг биргаликда чеккан азоб ва хурсандчилиги, тотувлик ва муаоммолари натижасида юзага келган туйғулар ҳамдир.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Оилавий қадриятларнинг аҳамияти болада ёки ёш авлодда оиланинг ўрни, унинг аҳамияти ва ўзига хослигини англашни таъминлайди. Бола айнан яқин инсонлари орасида ўзининг хиссиётларини тўғри намоён қилиш, яхшилик ва саҳийлик, ўзаро хурмат, муҳаббат, ишонч ва ҳалоллик, ўзининг қилган иши учун жавобгарликни ўрганади. Айнан оилада ўзининг олий мақсадларига, дўстларига

¹ Спокойствие в семье - мир в махалле// Правда Востока от 24. 06. 2011.

² Савинов Л.И. Семейное воспитание: Учеб. пособие. - Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, -2000.- 196 с.

³ Королев, М.Г. Модель формирования в вузе ценностного отношения к родительству /М.Г.Королев // Вестник высшей школы: Alma mater. – 2011. – № 11. – С. 100-101.

ва қариндошларган бўлган садоқат ватанга содиқлик, муҳаббат ва саҳийлик, масъулият каби сифатлар, нафақат катталарга, балки бутун атрофдаги инсонларга ёрдам, ўзаро хурмат муносабатлари шакллантирилади. Оилада шаклланган оддий қоидалар ва маънавий пойдевор кейинчалик жамиятга кўчиб ўтади. Улар инсоннинг ўзини тутишида, таълим-тарбия муассасаларида, кейинчалик эса ишда ва жамоат жойларида намоён бўлади. Қариндошлик қадриятлари инсоннинг ахлоқий, коммуникатив, ижтимоий ва профессионал маданиятини ҳар томонлама шакллантиради.

Анъанавий оила. Бундай оилада одатда битта ҳудудда бир нечта авлод вакиллари (ёш оиладан ташқари, ота-она, бобо-бувалар) истиқомат қилишади. Бунда аёл киши эркакка тобе бўлади ва барча уй юмушларини бажаради. Оиладаги эркакнинг, оила бошининг асосий вазифаси оиланинг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлади.

Ноанъанавий оила. Тарихда уни эксплуататор оила ҳам деб аташган. Бундай оилада аёл киши эркак билан бир хил даража ишлайди (Бу жараён аёлларнинг жамоат ишларига жалб этилиши ва дастлабки феминизм оқимлари юзага келган даврдан бошлаб пайдо бўлган). Аёллар ўз ишларини оилавий юмушлар ва бола тарбияси билан биргаликда олиб боришга мажбурлар.

Эгалитар (тенг) оила. Бу никоҳ муносабатларининг замонавий шакли ҳисобланади. Бунда аёл ва эркак ижтимоий муносабатларга тенг даражада жалб этилади. Бундан ташқари оилавий юмушлар ҳам тенг тақсимланади. Бундай оилалар (муҳаббат, дўстлик, масъулият ва ўзаро хурмат) ҳиссиётларга бой бўлишади.

Оилавий қадриятларни гуруҳларга ажратишда, асосан, уларни 2 та катта гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Классик (анъанавий) ва прогрессив (замонавий). Оиланинг эса патриархал, детомарказлашган ва турмуш ўртоқига боғлиқ 3 та асосий моделга ажратса бўлади.

Шу билан бир қаторда, оилавий қадриятлар тушунчасининг аниқ таърифи ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда.

Кўпинча, оилавий қадриятларни оила институтининг сақлаш мақсадида жамиятда тан олинган диний талаблар ва жамият қарашлари билан жамият аъзоларининг маълум бир давр давомидаги ўзаро муносабатлари натижаси сифатида қаралади.

Анъанавий оилавий қадриятларга қуйидагилар киради:

Патриархал ҳаёт тарзи. Оиланинг боши бўлган асосий таъминотчи ва етакчи эркакнинг фикрига ҳамма бўйсунди, унга оила аъзолари ва яқинлари учун, юзага келган вазият ва муаммони ҳал этишда жами масъулият юкланади. Бу ҳолда аёл кишининг вазифаси хотин ва она сифатида фарзандлар кўриш ва

уларни тарбиялаш, оила хўжалигини юритиш, оилада қулай ва ишончли шароит яратиш орқали ўзини кўрсатишдан иборат бўлади:

оиланинг кўп фарзанд бўлиши, насл давомийлиги, бахт ва қувонч.

оиланинг барча аъзоларига бўлган хурмат, муҳаббат ва яхшиликдан иборат қадриятларни тарбиялаш ва маданийлаштириш.

совчилик анъаналари, яъни ота-оналар томонидан келин ёки куёвни танлаш, ёшларнинг эса катталар розилигини олиши.

Анъанавий оилавий қадриятлар. Анъанавий оилавий қадриятлар доимий равишда турмуш ўртоқининг ҳаётига сингдириб борилади.. Айнан уларни кекса онахонлар ёшларга сингдиришга уринишади, телевизорларда кўрсатилади ва мачитларда гапирилади. Ишонч вафодорлик, муҳаббат, никоҳ, хурмат, оналикнинг муқаддаслиги, насл давомийлиги – булар оилавий қадриятларининг тўлиқ бўлмаган, лекин асосий рўйхати. Оилавий қадриятларнинг асосий мазмуни никоҳ ҳисобланиб, бу эркак ва аёлнинг бир-бирига бўлган муҳаббати ва ишончи орқали наслнинг давомийлиги ва фарзанд тарбиясини таъминловчи ягона тўғри шакл ҳисобланади. Бизнинг даврда анъанавий оилавий қадриятлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англашга танлов эркинлигининг ва шахсий ҳаётни ўзгартириш имконияти йўқлиги муаммо ҳисобланади. Мисол тариқасида, ажрим тўлиқлигича анъанавий қонунларга зид ҳисобланади.

Анъанавий (патриархал) оила бугунги кунда энг кенг тарқалган, айниқса Ўзбекистонда, оила модели ҳисобланади. Унда оилавий ва қариндошлик муносабатларининг қатъий кетма-кетлиги мавжуд бўлади. Оиладаги ҳокимият оиланинг бошқа аъзолари бўйсунувчи эркакнинг қўлида бўлади. Оила таркибига оиладан ташқари ота-она, бобо ва бувилар ҳам киради. Бундай оилада оиланинг боши барча иқтисодий бойликлар қўлида бўлган ва муҳим якуний қарорларни чиқарувчи эркак ҳисобланади. Бу каби оилаларнинг ўзига хос хусусияти оилада хотин эрига, фарзандлар ота-онасига бўйсунди, тарбия яққаҳоқимлик тарзида олиб борилади. Аёл кишининг асосий вазифаси фарзандларни дунёга келтириш ва тарбия қилиш, уй хўжалигини юритишдан иборат бўлади. (Ҳақиқий ҳаётдабарчаси бир хил эмас).

Турмуш ўртоқларнинг оиласи бу эр ва хотиннинг маънавий тамойилларга ва умумий ички қадриятларга асосланган ўзаро шахсий муносабатлари ҳисобланади. Бу моделда турмуш ўртоқлик муносабатларининг сифати асосий ўринни эгаллайди. Турмуш ўртоқлар оиласи модели ҳаётнинг ижтимоий, меҳнат, сиёсий, маданий ва профессионал соҳаларида эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқли таълим олишинива профессионал тайёргарлик кўришини ўз ичига олади. Турмуш ўртоқлар никоҳ муносабатларида тенг ҳуқуқли бўлиб, оилавий ҳаёт гоёси фарзандлар атрофида эмас, кўпроқ никоҳ муносабатлари атрофида жамланади.

Замонавий оилавий қадриятлар. Жамият, унинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши натижасида янги (замонавий) оилавий қадриятлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг асосида ҳали ҳамон муҳаббат, ишонч ва ўзаро ёрдам туйғулар ётса ҳам вақт ўгани сайин, ҳар бир давр ўзида бирон бир янги ва замонавий қарашни олиб чиқади. Бу омиллар инсонларда янгича дунёқараш ва ҳаёт тарзининг шаклланишига, шу жумладан, ўзаро оилавий муносабатлар соҳасида ҳамтаъсир кўрсатади.

Эндиликда аёллар фақатгина она ва уй бекаси вазифасини ўташ билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар эркаклар билан бир қаторда бирон - бир касбда ўзини кўрсатишмоқда, карьера қилиб, пул ишлаб топмоқдалар. Оилавий юмушлар эса ўзаро ҳамжихатликда тенг бўлинмоқда.

Одамлар шунчаки никоҳ шартномалари тузиб ёки расмий ҳужжатсиз биргаликда истиқомат қилишмоқда.

Никоҳ тузиш ёши ошмоқда, ҳаёт тарзи жадаллашмоқда ва ҳаётнинг маъноси ўзгармоқда. Ёшлар барча жабҳада: таълим олиш, ишлаш, тажриба орттириш ва оёққа туриш, муваффақият қозонишга интиломоқда. Юқорилагиларга эришгандан сўнггина улар оила қуриш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоқда. Шу билан бир қаторда, замонавий оилавий қадриятларни ота-оналар ва фарзандлар қадриятлари каби гуруҳларга ажратувчи қараш ҳам мавжуд. Бу икки гуруҳлар ўзаро кўплаб ўхшашликларга эга, аммо бизнинг фарзандларга тегишли қисми нисбатан қаттиқ ва ривожланган характерга эга. Бу ўзига хос спиралсимон ва қайтарилувчи қонуният, ҳар бир кейинги авлод ўзидан олдинга авлоднинг фақат керакли деб ҳисоблаган фазилатларинигина олиши, ўзининг яшайдиган даврида долзарб бўлган оилавий қадриятларни қўшиши сабаблидоимий равишда ишлаб келади. Оиланинг ҳаётининг энг муҳим ва ижобий омили сифатида сақланиб қолиши учун ёши катталар томонидан ўзининг шахсий тажрибасида оиланинг жозибдорлигини ва аҳамиятини кўрсатиш зарур.

Оилавий қадриятларга мисоларни кўплаб келтириш мумкин, улар бутун бир ижтимоий тадқиқот учун мавзу ҳисобланади.

Оилавий муносабатларнинг асосий қадриятлари.

Ишонч – ишончга асосланган мулоқот – қариндошлар даврасида бемалол бирон бир муаммо билан бўлишиш, улардан танбеҳ эмас, керакли маслаҳатлар олиш мумкин. Бир бирига ишонишга ўрганиш ва фарзандларга буни ўргатиш зарур. Сиз ҳар қандай муаммо, омадсизлик ва ҳасрат борасида кадрдонлар билан бўлишишингиз зарур. Ишончни пулга сотиб олиб бўлмайди, унга фақатэришиш, муносиб бўлиш зарур, бунга эса баъзан кўп йиллар талаб қилинида.

Яхшилик – бу ожизларга, ҳимоясизларган ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, керакли бўлишга интилиш. Бундай муносабатлар оилани янада баркамол қилади.

Содиқлик – муҳаббат туйғусининг мустаҳкамлиги кафолати. Севган инсони билан ҳеч қандай хавасга учмасдан, қайғу ва шодликда бирга бўлишга тайёрлик. Бу хусусият инсонда ёшлик чоғиданоқ берган сўзига, ишига, дўстига садоқат каби сифатларни шакллантиради.

Ёшларга ва катталарга хурмат. Оилада жазолаш орқали қўрқитиш маъқулланмайди. Хурмат қилиш – бу қўрқиш эмас.

Ҳамжихатлик – бир-бирини бир қарашдаёқ тушуниш, ўзининг иккинчи ярми, болалар ва оила бошқа аъзоларининг манфаатлари ва қарашларни хурмат қилиш. Инсон қўллаб-қувватлашни ҳис қилса, у нафақат маънавий ривожланади, балки спорт, карьера борасида катта мувафакцияларга эриша олади.

Хурмат – оиланинг ҳар бир аъзосга бўлган хурмат, турмуш ўртоқлардан бирининг манфаатлари ва эҳтиёжлари бошқасинидан устун бўлмаслиги, катта ёшдагиларнинг ёшларнинг ишларига аралашмаслигида намоён бўлади.

Урф-одатлар, анъана-маросимларга амал қилиш. Оилавий қадриятлар ва анъаналар оилани каттиқ боғлаб турадиган жуда юпқа ип ҳисобланиб, уни йўқотмаслик жуда муҳимдир. Ҳар бир оилада Наврўз, Янги йил байрами, юбилейлар, туғилган кунни қандай нишонлаш, қачон қариндошларники бориш, қандай таомлар тайёрлаш, якшанба кунлари қандай филмлар томоша қилиш борасида ўзининг одатлари мавжуд. Оилада бундай ўзгармас одатлар қанча кўп бўлса, оила шунча мустаҳкам бўлади.

Масъулиятлилик. Оиланинг ҳар бир аъзоси бир бир учун жавобгардир. Катталар ўзининг ва фарзандларининг ишлари учун ҳам.

Кечириш. Келишмовчилик юзага келган пайтда нима содир бўлган бўлса ҳам, нима гап айтилган бўлишига қарамасдан, оилада доим кечирилади. Оилага доимо, хаттоки каттиқ келишмовчиликдан сўнг ҳам қайтиб келса бўлади. Бу жойда сенинг сабабларингни тўғри тушунишади ва ёмон гапларингни унитишади.

Тўғрилиқ. Оила – бу ёлғонга ўрин йўқ жой. Баъзан ҳақли танбеҳ ва аччиқ ҳақиқат оғир эшитилиши мумкин, лекин у доим комилликка йўналтиради. Манманлик ва ёлғоннинг бўлмаслиги оилавий қадриятларнинг асоси.

Оила аъзолари учун аҳамиятлилик. Оиланинг ҳар бир аъзоси қолган оила аъзолари учун муҳим ўрин тутишини яхши билади. Бу бошқаларга таъсир ўтказиш воситаси эмас, балки муҳим вазифа бўлиши керак.

Саҳийлик – бу фақат моддий эмас, балки бошқа, яъни маънавий, эмоционал саҳийлини ўз ичига олади.

Муҳаббат. Муҳаббат бу энг асосий оилавий қадриятдир. У севган инсонларига юмшоқ муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш, уларни

ҳимоя қилиш ва доим ёнларида бўлишда кўринади. Муҳаббатни нафақат сўзларда, балки бошқа инсонларга бўлган муносабатда бир бирига бўлган илиқ туйғуларни кўрсатувчи ишлар қилиш, ёқимли сўзлар айтиш, ғамхўрлик қилиш, муаммоларига эътибор бериш ва уларни ечишга ёрдамлашишданамоён қилиш керак. Муҳаббатга асосланган бирлашмалар доим бахтли ва тинч бўлади. Улар ўзида доим қайтиб келиб рухий қўллаб-қувватлаш олиш мумкин бўлган мустаҳкам ва тинч кўрғонни акс эттиради.

Ўзбек оилаласи анъанавий оила турига мансуб бўлиб, унга кўп тузилмали ва серфарзандлик хусусиятлари хосдир. Унда бир нечта авлод вакиллари биргаликда истиқомат қилишади ва хўжалик юритишади. Ҳурмат, кексаларни эъзозлаш ва уларга бўйсунуш, анъаналар ва ўзини тутиш қоидаларининг наслилиги, оила ўчоғининг ташкилланишида ва сақланишида, бола тарбиясида аёлнинг катта ўрни ўзаро муносабатларнинг белгиловчи асосий тамойиллар ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

Оила ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида турли анъана, маросим, урф-одат, расм-русумларни вужудга келтирганки, булар жамиятнинг ривожланишига, шахснинг ҳар томонлама, жисмоний, маънавий жиҳатдан камолотга эришишига, унинг ҳаёт тарзига ўз ижобий таъсирини ўтказиб келган. Оиладаги соғлом, ижобий психологик муҳит, оила аъзолари ўртасидаги эмоционал яқинликдан фарзандларда ота-онага, қариндош-уруғларга нисбатан ҳурмат, меҳр-оқибат сингари энг юксак, эзгу ҳислатлар тарбияланади, инсоний фазилатлар шаклланади. Бу оилада бола тарбияси, уларни умуминсоний кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар руҳида вояга етказиш, уларни таълим даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Айнан шундай оилаларда ёшлик йиллариданоқ болага катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, билимга чанқоқлик каби сифатлар сингдирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 29 декабрь, 2018 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.
5. Спокойствие в семье - мир в махалле// Правда Востока от 24. 06. 2011.

6. Савинов Л.И. Семейное воспитание: Учеб. пособие. - Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, -2000.- 196 с.

7. Королев, М.Г. Модель формирования в вузе ценностного отношения к родительству /М.Г.Королев // Вестник высшей школы: Alma mater. – 2011. – № 11. – С. 100-101.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оила” Республика амалий маркази тузилиши тўғрисида”ги Қарори. Т.:2 февраль1998 й., № 54.

9. Kamolova, A., & Ergasheva, G. S. Q. (2022). Yosh avlodni tarbiyalashda xalq pedagogikasini manbalarining o'rganishning o'rganishning ilmiy-nazariy asoslari. *Science and Education*, 3(12), 590-592.

10. Kamolova, A. O. Q., & Husaynova, S. I. (2023). O'smirlar o'rtasida axloqsizlikni oldini olishda pedagogik faoliyatning o'ziga xos xususiyatlari. *Science and Education*, 4(2), 969-972.